


НАВЛАР

БАРАКА

Эртапишар нав, ўсув даври 90 кун. Барги оддий, майин, яшил рангли. Илдизмеваси қизғиш, узун конуссимон, диаметри 6,2 см, юзаси силлик, ўзаги илдизмевасининг 30%ини ташкил этади, вазни 116 г, дегустацион баҳоси 4,5 балл. Таркибида куруқ модда миқдори 14,7%, қанд моддаси миқдори 5,3%, каротин моддаси миқдори 10,0%. Ҳосилдорлиги 30-35 т/га. Истеъмол ва қайта ишлаш учун яроқли. Уруғ ҳосилдорлиги 0,5-0,7 т/га.



НУРЛИ 70

Эртапишар нав, техник пишғунига қадар ўсув даври - 90-100 кун. Устки поя барглари қалта 30-35 см. Илдизмеваси сариқ, цилиндрсимон, учи тўмтоқ, вазни- 90-120 г, дегустацион баҳоси 4,0 балл. Ҳосилдорлиги 25-30 т/га. Эрта, ўрта ва кечки ёзги муддатларда экишга яроқли. Уруғ ҳосилдорлиги 0,7-0,8 т/га.



МШАК 195

Эртапишар нав, барра ҳолда сотишга етилгунга қадар ўсув даври 45-48 кун, техник пишғунига қадар ўсув даври 100 кун. Илдизмеваси сариқ, цилиндрсимон, юзаси текис, серсув. Узунлиги 8-13 см, диаметри 3,5-4,0 см. Ҳосилдорлиги 20-22 т/га. Эртаги ва ёзги муддатларда экилади. Уруғ ҳосилдорлиги 0,6-0,7 т/га.



ЗИЙНАТЛИ

Ўртапишар нав, барра ҳолда сотишга етилгунга қадар ўсув даври 45-50 кун ва техник пишғунига қадар ўсув даври 110-120

кун. Илдизмеваси қизғиш тўқ сариқ, цилиндрсимон, юзаси силлик, вазни 80-120 г. Таркибида каротин моддаси миқдори 10-11%. Ҳосилдорлиги 35-40 т/га. Тўқсонбости ва эрта баҳорги ва кечки муддатларда экишга яроқли. Уруғ ҳосилдорлиги 0,7-0,8 т/га.



САРИҚ МИРЗОЙИ 304

Ўртапишар нав, техник пишғунига қадар ўсув даври 115-120 кун. Илдизмеваси сариқ, цилиндрсимон, уч томони тўмтоқ, узунлиги 15-16 см, диаметри 3,0-3,5 см, вазни 100-150 г, дегустацион баҳоси 4,8 балл. Ҳосилдорлиги 25-27 т/га. Ёзги муддатда экишга яроқли. Уруғ ҳосилдорлиги 0,5-0,6 т/га.



ҚИЗИЛ МИРЗОЙИ 228

Ўртапишар нав, техник пишгунига қадар ўсув даври 115-120 кун. Илдизмеваси қизил, учи ўткир ёки тўмтоқ, узунлиги 13-17 см, диаметри 3,5-4,0 см, вазни 70-80 г, дегустацион баҳоси 4,5 балл. Ҳосилдорлиги 24-28 т/га. Ёзги ва қиш олди тўқсонбости муддатларда экишга тавсия этилади. Уруф ҳосилдорлиги 0,6-0,75 т/га.



Schweizerische Eidgenossenschaft
Confédération suisse
Confederazione Svizzera
Confederaziun svizra

Swiss Agency for Development
and Cooperation SDC

Ушбу буклет Bioversity/SDC «Заиф экосистемалардаги фермер хўжаликларида зарарни камайтириш ва озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш учун қишлоқ хўжалик экинлари уруғ ва кўчат хилма-хиллигидан фойдаланиш ва уларни имкониятини ошириш» лойиҳаси доирасида тайёрланди ва нашр этилди.

Таклиф ва мулоҳазалар учун контактлар:

Академик Маҳмуд Мирзаев номли боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти (М.Мирзаев номли БУваВ ИТИ)

Манзил: 111116, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Гулистон қишлоғи, Чимкент йўли кўчаси

Тел.: (+99871) 220-24-42, (+99871) 220-26-82

Факс: (+99871) 220-26-48

Эл. почта: mevaiti@qsxv.uz, meva-uzum@exat.uz

Буриев Х.Ч. – (+99890) 358-38-62,

Абдикаюмов З.А. – (+99890) 946-15-51

Тузувчилар: Буриев Х.Ч., Абдикаюмов З.А., Турабоев А.Н.
Проф. Х.Ч.Буриевнинг умумий таҳрири остида

Академик М.Мирзаев номли боғдорчилик,
узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот
институти

Томорқа ва фермер хўжаликларида
етиштириш учун тавсия этиладиган
сабзининг маҳаллий навлари



Тошкент – 2015